

Qishloq hayoti

2012 йил

Мустақкам оила йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 9-OKTABR, SESHANBA, 117 (8042)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqib boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.



Жорий йилги фестивалда Марказий Осиё давлатлари, Буюк Британия, Болгария, Германия, Исроил, Россия каби мамлакатларнинг театрлари билан бирга Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидаги жамоалар, театр-студиялар ўз спектаклларини томошабинлар эътиборига ҳавола этди.



“Ўзлаҳтасаноат” уюшмаси тизимидаги корхоналарда олиб борилган модернизация ишлари ишлаб чиқариш суръатини ошириб, маҳсулот сифатини яхшилаш ва экспорт ҳажминини кўпайтириш имконини берди. Буни “Сирдарёпахтасаноат” бирлашмаси тизимидаги пахта тозалаш корхоналарида олиб борилган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.



“Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати” ОАЖ томонидан ўтган давр мобайнида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида 15 та инвестицион лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, мис эритиш заводида янги олтингургурт кислотаси цехи ва эритиш печи экологик стандартлар асосида қурилиши йўлга қўйилди.

Куннинг муҳим воқеалари

► Ўзбекистон Республикаси Олий судида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕОХТ)нинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан ҳамкорликда “Суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустақамлаш: суднинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш” мавзусида халқаро семинар-тренинг ташкил этилди.

► Пойтахтимизда шотокан қарат-до бўйича ўтказилган II жаҳон кубоги мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси бош совринни кўлга киритди. Унда болалар, ўсмирлар, ёшлар, хотин-қизлар, катталар ва фахрийлар ўртасида ката ва кумитэ бўйича мамлакатимиз спортчилари энг кўп – 33 олтин, 36 кумуш ва 44 бронза медал ҳамгарди.

► Миллий матбуот марказида “Ўзавтойул” давлат акциядорлик компанияси томонидан умумий фойдаланиладиган ва Ўзбекистон миллий автомагистрალი таркибига кирадиган автомобиль йўллари тегишли ҳолатда сақлаш, таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш борасидаги ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Самарқанд вилояти

САМАРҚАНДНИНГ НАФИС ГИЛАМЛАРИ

Мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик аъёналарини қайта тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор самарасида саноат миқёсида ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар тобора кўпайиб бормоқда. Самарқанд вилоятидаги «Samarqand Buxoro ipak gilami» қўшма корхонаси улاردан бири.



Истиқлолнинг дастлабки йилларидан фаолият кўрсата бошлаган корхона халқ амалий санъатининг мураккаб ва бетакрор тури – ипак гилам тўқишга ихтисослашган. Бу ерда йилига 300 метр квадрат харидоргир маҳсулот тайёрланади. Айни пайтда корхонада 125 нафар ишчи нафис, сержило, юз фойз табиий хомашёдан тайёрланган ипак гиламларни тўқимоқда.

Корхона раҳбари Фурқат Ниёзовнинг айтишича, тоза ипак, табиий бўёқлар ва қўл меҳнати эвазига яраладиган мазкур ўзига хос санъат намунаси тайёр ҳолга келгунга қадар бир йилгача вақт сарфланади. Шу боис, ишлаб чиқаришга қасаначиларни жалб қилиш корхонанинг иқтисодий режаларини ўз вақтида амалга ошириш имконини бермоқда. Ҳозир корхона ка-

саначиларининг сони 70 нафарга етди. Улар Жомбой, Тайлоқ, Нуробод, Самарқанд туманлари ва Самарқанд шаҳрида яшовчи хотин-қизлардир. «Samarqand Buxoro ipak gilami» қўшма корхонасига ипак хомашёси Наманган вилоятининг «Водий ипаги», Сурхондарё вилоятининг «Surxon-Termiz Silk», Тошкентнинг «Silver Silk» корхоналари ва «Са-

марқанд-Сингапур» хорижий корхоналаридан олиб келинмоқда. Нафис ипакка ўзига хос жилло берувчи табиий бўёқлар ўзимизда етиштириладиган ўсимликлардан тайёрланади. **СУРАТДА:** франциялик сайёҳлар корхона гиламлари билан танишишмоқда. **Алмшер ИСРОИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.**

Оила бахт-саодат ошёни, инсон камолотининг бешиги, дунёдоги жамики, эзгу умидларнинг олтин қалитидир. Мустақиллик йилларида республикамизда оила институтига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шуниндек, оила муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари тақомиллаштириб борилмоқда.

ОИЛА ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Миллий матбуот марказида оила қонунчилигини тақомиллаштиришга бағишланган анжуманда шулар ҳусусида сўз юритилди. Унда тегишли ташкилот ва идора ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-боби алоҳида оилага бағишланиб, унинг 63-моддасида оила жамиятининг асосий бўлини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги қайд этилган. Судлар, васийлик ва ҳомийлик органлари, шунингдек, ФХДЭ органлари фаолиятида синовдан ўтган ва ўзлаштирилган кўп йиллик тажриба янги “Оила” Кодексига ўз ифодасини топти. Мазкур Кодексда биринчи марта никоҳ шартномаси институти, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш, оилавий муносабатларда маҳаллий урф-одат ва аъёналарнинг қўлланилиши, болаларнинг насл-насабини белгилаш, алимент тўлаш тўғрисидаги мажбуриятлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби қатор муҳим қоидалар муҳасамлаштирилган. Шунингдек, оилавий муносабатлар билан боғлиқ бўлган туғилиш, никоҳ ва никоҳдан ажрალიш каби фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш ФХДЭ органлари томонидан амалга оширилишини инобатга олиб, кейинги йилларда ушбу соҳа фаолиятини тақомиллаштириш мақсадида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Матбуот анжумани доирасида давлатимиз томонидан ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилган ишлар бўйича журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. **Зулфия АҲМЕДОВА “Qishloq hayoti” муҳбири.**

Андижон вилояти

БАЛАНД БЎЛАЁТИР ҲОСИЛНИНГ ЧЎҒИ, ЗЕРО, УНДА БОРДИР ЮРАКНИНГ ҚЎРИ

Юксак хирмон кўтариб, юқори ҳосилдорликка эришиш. Бу деҳқон учун ҳар доим асосий мақсад бўлиб келган. Нията эришмоқлик эса деҳқондан катта матонат, изланишу интилиш, малака ва тажрибани талаб этади. Қолаверса, йил об-ҳавоси ҳам бор. У деҳқонга қарашадими ёки ўз инжиқликларини кўрсатадими? Буни билиб бўлармидими? Шу боис ҳам деҳқонлар айтишадики, йил-йилга ўхшамас, омилкор деҳқонга ҳар қандай йилда ҳам мўл ҳосил яратади.



қараб. — 22 гектарли шу дала биринчи теримда 43 центнердан ҳосил берди. Мен ушбу далада 40 йил бригадир бўлиб ишлагандим. Аммо 40 центнерлик маррага 2-2,5 ойда ҳосиб йўқ терим билан ҳам эриша олмаганмиз. Уша пайтдаги гўза навларининг табиати шундай — кечпишар, ҳосилдорлиги паст эди. Мустақиллик шарофати билан пахтачиликка қартилган эътиборнинг ёрқин натижасини бугунги серҳосил, тезпишар навларда ҳам кўриш мумкин. Бу, энг аввало, деҳқоннинг оғирини енгил қилди. Шундай эмасми? Бугун ҳосилнингизни кузнинг бошидаёқ йиғиб оласиз.

Ободжон отанинг кенжа фарзанди Улурбек Охунов фермер. У бошқараётган “Чўнбоғиш элита” фермер хўжалигига тез-тез селекционерлар келиб туришади. “Андижон-35”, “Андижон-36” навлари айтиш шундай фермер хўжалиги далаларида кўпайтирилган. Фермер хўжалигида йилдан-йилга ҳосилдорлик ошиб борапти. Сифатли ҳосил йиғиштириб олингани учун фақат юқори навга қабул қилинади. Жорий йилда 132 гектар майдонда гўза парваришланди. Қабул масканлари билан 424 тонна пахта хомашёси тайёрлаш борасида шартнома имзоланганди. **(Давоми 2-саҳифада)**

«ОЛТИН ГЕПАРД»НИНГ ЯНГИ СОҲИБЛАРИ

«ОЛТИН ГЕПАРД» ИККИНЧИ ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ КИНОФОРУМИ ЯҚУНЛАНДИ

«Art Week Style.uz – 2012» санъат ҳафталиги доирасида ўтказилган мазкур кинофорум «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамгармаси томонидан «Ўзбекино» Миллий агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди. Кинофорумнинг “Туркистон” саройида ўтган таънавали ёпилиш маросимига юртимиз ва хориждаги ижодий ва жамоат ташкилотлари, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари, режиссёрлар, актёрлар, талаба-ёшлар ва кино ихлосмандлари тақлиф этилди. Президентимиз Исломо Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда кино санъатининг ёшлар маънавиятини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини тобора ошириш, унинг ўзига хос мактаб ва йўналишларини асраб-авайлаш, Шумолий ва Жанубий Американинг эллика яқин мамлакатидан 500 дан зиёд тўлик ва қисқа метражли, ани-



алоҳида эътибор қаратилмоқда. Икки йилдан буён ўтказиб келинаётган «Олтин Гепард» халқаро Тошкент кинофоруми ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Бу йилги кинофорум «XXI аср тамаддунлари: маданиятлар мулоқоти» мавзусига бағишлангани бежиз эмас. Зеро, кино санъати турли халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатлик, маданий мулоқот воситаси вазифасини ўтайди. Бир ҳафта давом этган мазкур кинофорумда Осиё, Европа, Африка, Шумолий ва Жанубий Американинг эллика яқин мамлакатидан 500 дан зиёд тўлик ва қисқа метражли, ани-

ЎСМИРЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ОСИЁ ЧЕМПИОНИ СИФАТИДА БОРАДИ

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қад ростиётган замонавий стадионлар, суз ҳавзалари, спорт манежларининг ўғил-қизлар билан гавжумлигини кўриб, Ватанимиз мустақиллигининг халқимиз ҳаётида яратётган улуг ўзгаришларига амин бўласиз. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилган “2011–2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустақамлаш ва уни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ янги стадионлар барпо этилиб, мавжудлари таъмирланмоқда. Болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини замонавий спорт инвентарлари билан таъминлаш, малакали мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлаш ишларини янада кучайтириш – доимий эътиборда. Бундай имкониятлар ю-

ртимизнинг барча ҳудудларида кўплаб истеъдодли спортчиларни, хусусан, моҳир чарм тўп усталарини кашф этишга хизмат қилмоқда. Эронда ўтказилган ўн олти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида футболчиларимиз қўлга киритган ютуқлар бунга яққол мисол. Шу ўринда ёдимизга мамлакат ўсмирлар терма жамоасининг аввалги авлоди — Алексей Евстафеев шогирдлари тушади. Уларнинг 2011 йил Мексикада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида, унғача эса 2010 йил пойтахтимиз Тошкент шаҳри мезбонлик қилган Осиё чемпионатида намойиш этган мазмунли ўйинлари ҳамон кўз ўнгимизда жонларимиз турибди. **(Давоми 4-саҳифада)**

ҲОСИЛ СИФАТИ НАВ ТАНЛАШДАН БОШЛАНАДИ
— Олимларимизнинг меҳнатига тасанно, — дейди Избоскан туманилик меҳнат фахрийси Ободжон ота Охунов шийпон рўпарасидаги пахтазорга

«ART WEEK STYLE.UZ - 2012»

БАЛАНД БЎЛАЁТИР ҲОСИЛНИНГ ЧЎҒИ, ЗЕРО, УНДА БОРДИР ЮРАКНИНГ ҚЎРИ

(Боши 1-саҳифада)

Амалда эса ушбу кўрсаткич 532 тоннани ташкил этмоқда. Тайёрланган ҳосилнинг 200 тоннаси уруғликка ўтди. Бу дегани даромад янада ошди.

Фермер олинаётган даромаднинг асосий қисмини ҳўжаликнинг техника базасини мустаҳкамлашга йўналтиради. Шу боис ҳам бугунги кунда ҳўжаликда ҳайдов, чопик, транспорт тракторлари, комбайн, тулпорқоқа ишлов берадиган тиркамалар ва ОВХ пурақачи бор. Жорий йил бошида автобус харид қилинди. Бугун ушбу техника ҳам ҳўжалик аъзоларининг хизматида.

— Буларнинг барчаси пахтачиликда ҳосилдорликни ошириш натижасида бўлаётган ишлар, — дейди фермер. — Мехнатимизнинг роҳатини кўрялмиш. Шу боис ҳам ерга, далага, экинга меҳримиз ошмоқда. Ҳосил сифати эса навадан бошланади. Бугунги эришайтган натижаларимиз ҳам ана шу ҳосилдор ва эртапишар навларнинг аҳамияти катта.

ИЛГОР ТАЖРИБАЛАР АМАЛИЁТГА

Бўз туманининг ерлари унчалик унмудор эмас. Чўл ҳудудда жойлашган-да. Одилжон Каримов фаолиятида эътиборни ана шунга, яъни тулпорқоқа унмудорлигини оширишга қаратган фермерлардан. Ширкат ҳўжалиги даврида 20-25 центнердан ортиқ ҳосил бера олмаган далаларда бугун 30 центнердан ортиқ ҳосил олинмоқда. Бу ана шу эътиборнинг самараси.

Одилжон Каримов бошлиқ "Робияхон Каримова" фермер ҳўжалиги аъзолари маҳаллий ўғит жамғариш, далаларни навбатлаб ана шу ўғит билан озиклантиришни қанда қилишмайди.

Жорий йилда фермер ҳўжалигида биринчи теримнинг ўзидаёқ ҳар гектар ердан 31 центнердан ҳосил йиғиб олинди, тайёрлов қорхонасида 161 тонна сифатли хомашё етказиб берилди. Айни пайтда далаларда ҳосил мўл.

— Юқори ҳосилдорлик — юқори даромад демак, — дейди фермер. — Ҳосилдорликни ошириш учун эса минерал ўғитнинг ўзи кифоя қилмайди. Шу боис, маҳаллий ўғитга эътибор қаратдик. 2010 йилнинг ку-

зида 30 бош қорамол сотиб олдик. Бу ҳаракатимизда ҳам ер унмудорлигини ошириш асосий омил эди. Ҳозирда улар бош сони 60 тадан ортиди. Энди маҳаллий ўғит борасида қийинчилик юзага келмайди. Ҳозиргача 300 тонна гўнг жамғариб, дала бошига олиб чиқиб қўйдик.

Одилжон Каримов сингари ишбилармон фермерлар кўп. Улар маҳаллий ўғитнинг самарасини жуда яхши билишади. Марҳамат туманидаги "Сарбон", Балиқчи туманидаги "Обиджон ота", Олтинкўл туманидаги "Олтинкўл нури юлдузи", Улуғнор туманидаги "Дилором" каби фермер ҳўжаликлари ҳамisha илгорлар сафида бўлишининг боиси ҳам ана шунда.

ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИК — ЮҚОРИ ДАРОМАД

Марҳамат туманидаги "Мақсудов" фермер ҳўжалигининг далалари адир ён бағрига жойлашган.



Мелиоратив ҳолати мураккаб.

— Ҳар гектар ердан 10,5 центнердан қўшимча ҳосил яратиш мумкин деган фикрда юрардим, — дейди фермер Даврон Мақсудов. — Бир вақтлар пахтачиликда "қозик усули" бўларди. Ҳўжалигимиз аъзолари билан ана шу усулни қўллаш борасида маслаҳат қилдик. Қўнчилик бу тақлифни ижобий қабул қилди. Яъни чигит экилган, ҳўжалик аъзолари



затларни бўлиб олишди. Ҳар бир агротехник тадбир ана шу майдонда уларнинг назоратида ўтказилди.

Кетмон чопиги культивация баробарида олиб борилди. Энг муҳим агротехник тадбир — чеканка июль ойининг бошидаёқ ўта сифатли амалга оширилди. Бегона ўтдан тўла холи, тулпорги майин эгат, икки бор берилган сув, минерал ўғитнинг вақтида берилиши мўл ҳосил яратилишини таъминлади. Бир мавсумда ушбу усулнинг самараси намоян бўлди. Ҳосилдорлик биринчи теримданок ўртача 40 центнердан ошди.

Айни кунларда "Мақсудов" фермер ҳўжалиги далаларида иккинчи терим бошланди. Ҳисоб-китобларга кўра, бу йил ҳосилдорлик 50 центнерданга етиши мумкин. Бу фермернинг мақсади — юқори даромадни таъминлашди.

Фермер ҳўжалигининг моддий техника базаси мустаҳкам. Бу йил "Агробанк"нинг мадади билан 100 миллион сўмга трактор олинди.

— Ҳар бир ишимизда давлатимизнинг мададини ҳис этиб тураемиз, — дейди фермер Сотволди Раҳимов. — Асосий мақсадимиз мўл ҳосил етиштириш. Ҳосилдорликни оширибгина даромадни ошириш мумкин. Ҳўжаликнинг техника базаси мустаҳкам бўлар экан, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида, оби-тобида ўтказиш имкони юзага келади.

ТЕХНИКАМИЗ — ҚАНОТИМИЗ

Пахтаобод туманидаги "Абдужалил Раҳим" фермер ҳўжалиги раҳ-

бар Сотволди Раҳимов илгор қишлоқ мулкдорларидан. У бошлиқ фермер ҳўжалик аъзолари бу мавсумда 20,7 гектар ерда гўза парвариш қилишди. Меҳнат натижаси йиғим-теримда яқоқ намоян бўлди. Айни пайтгача 71,4 тонна ўрнига 97 тонна пахта хомашёси тайёрланди. Ҳосилдорлик 46,9 центнерга етди. Энг муҳими, ҳосилнинг барчаси юқори навага қабул қилинди.

Фермер ҳўжалигининг моддий техника базаси мустаҳкам. Бу йил "Агробанк"нинг мадади билан 100 миллион сўмга трактор олинди.

— Ҳар бир ишимизда давлатимизнинг мададини ҳис этиб тураемиз, — дейди фермер Сотволди Раҳимов. — Асосий мақсадимиз мўл ҳосил етиштириш. Ҳосилдорликни оширибгина даромадни ошириш мумкин. Ҳўжаликнинг техника базаси мустаҳкам бўлар экан, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида, оби-тобида ўтказиш имкони юзага келади.

Ҳа, ана шундай миришкор, ишбилармон, тадбиркор фермерлар сафининг тобора кенгайиб бораётганлиги боис вилоятда пахта йиғим-терими кўтаринкилик билан довом этмоқда. Ҳўжаобод, Булоқбоши, Шаҳрихон, Олтинкўл, Пахтаобод, Улуғнор, Балиқчи туманлари пахтакорлари мўл ҳосил етиштиришда бошқаларга ўрнатқ бўлаётди. Ҳосилнинг чўғи ҳар йилгидан баландлиги эса пахтакорларни янги морраларга ундамоқда.

ҚОБИЛЖОН АСКАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Навоий Вилояти

Зарафшон шаҳридаги «Моҳитобон-Зарафшон» масъулияти чекланган жамиятида йодланган ош тузи ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. Бунинг учун «Асакабанк»нинг Зарафшон бўлимидан олинган кредит қўл келди.

ЗАРАФШОННИНГ ЙОДЛАНГАН ТУЗИ

Банк мадади билан Хитойдан ускуналар келтирилди. Хитойлик мутахассислар қорхона ишчиларини ишлаб чиқариш технологиялари билан таништириб, ишни йўлга қўйишга кўмаклашди.

Яқинда Учқудук туз конидан хомашё келтирилди, синаб кўрилди. Ишлаб чиқарилган дастлабки маҳсулот мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

— Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тадбиркорларнинг эркин фаолияти учун барча шароитлар яратилган, — дейди масъулияти чекланган жамият раҳбари Ақром Салимов. — Биз тадбиркорлар бутун дунё ишбилармонлари билан ҳамкорликни йўлга қўйялмиш. Юртимизга янги технологиялар, замонавий ускуналар олиб келинапти. Қорхонамизнинг ташкил этилиши ҳам ана шу ишбилармонлар ва ҳамкорликлар натижасидир. Қорхона тўла қувват билан ишлаш бошлади, бир кеча-кундузда 15 тоннадан ортиқ маҳсулот тайёрланади. Энг муҳими, бу ерда кўплаб янги иш ўринлари яратилди.

Абдурауф САТТОРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.



Президентимизнинг 2012 йил 27 февралдаги "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тўғрисидаги ҳамда "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воғга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарорлари ижросини таъминлаш, хусусан, Қорақалпоғистон Республикасининг чекка ҳудудларида

истиқомат қилувчи, айниқса, эҳтиёжманд оилаларга инсонпарварлик ёрдамларини етказиш мақсадида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ва "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК биргаликда Қорақалпоғистон Республикасига навбатдаги "Саломатлик поезди"ни ташкил этди.

Ушбу "Саломатлик поезди"да маларули шифокорлар билан бирга жойларда жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси тиббий ижтимоий патронаж бригадаси ходимлари ҳам

аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Ушбу хайрия акцияси давомида аҳолига ва даволаш-профилактика муассасаларига озик-овқат маҳсулотларидан иборат пакетлар, кийим-кечаклар, болалар оёқ кийимлари, дори-дармон ва тиббий ёндоқлар, санитария-гигиена воситалари ҳамда тиббий функционал кроватлардан иборат мурувват ёрдамлари етказиб берилди.

Аҳмаджон РИХСИБОВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Сурхондарё Вилояти

«ОРЗУЛАРИМИЗ РЎЁБИДА БАНКНИНГ МАДАДИ КАТТА»

— ДЕЙИШАДИ СУРХОНДАРЁЛИК ФЕРМЕРЛАР



— Буларнинг барчаси давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шароит, қўрсатилган эътибор, маънавий ва маъруза таъминоти билан олилайлик. Биз "Агробанк" мижозимиз. Банкинг туманидаги "Қорқул" филиали томонидан намунали хизмат кўрсатилмоқда. Ҳосил етиштириш учун имтиёзли кредитлар ўз вақтида ажратилди. Жорий йилда банк бизга замонавий ҳайдов трактори сотиб олиш учун кредит берди. Моддий техника базамиз тобора

Олтинсой туманидаги "Ботош пахлавони" фермер ҳўжалигида бу йил пахта ҳосили мўл бўлди. Пахтачилик учун қулай келган йилдан унумли фойдаланиб, барча агротехник тадбирларни оби-тобида ва муддатида бажарган ҳўжалик аъзолари 78 гектар пахтазордан биринчи теримданок 287 тонна хирмон бунёд эттишди. Ҳосилдорлик 36 центнерга етди. Ҳоли далаларда ҳосил мўл.

кучайиб бормоқда. Келгуси йилдаги ҳосилга пухта заминни ана шу тракторлар билан тайёрлаймиз. Зеро, сифатли шудгор — мўл ҳосил пайдоворидир.

Фермер ҳўжалигининг техника базаси мустаҳкам. 2 та чопик трактори, 3 дона ҳайдов трактори, бир дона замонавий галла ўриш комбайни бор. Уларни олишда ҳам банкинг мадади катта бўлган.

Бу йил банк фермер ҳўжалигининг яна бир истиқболли лойиҳасини молиялаштирди. Фермер сардаромад тармоқ бўлган пар-

рандачиликни ривожлантиришни мақсад қилганди. Банк томонидан унинг лойиҳаси қўриб чиқилиб, молиялаштирилди.

— Бу сармоя ишимизни ривожлантиришда ниҳоятда асосди, — дейди фермер. — Парранда ҳамда технология сотиб олдик. Энг муҳими, 15 нафар киши иш билан таъминланди. Шу ўринда айтиш жоизки, ҳар бир ишимизда, ҳар бир агротехник тадбирда банкинг мададини ҳис қилиб тураемиз.

Ҳа, бугун кўпчилик фермерлар билан суҳбатлашсангиз, улар томонидан ана шундай эътирофлар

ни эшитасиз. "Агробанк" ОАТБнинг Сурхондарё вилоятидаги филиалларининг асосий мижозлари қишлоқ ҳўжалиги соҳасида фаолият юритади. Ўтган даврда банк филиаллари томонидан йўналтирилган сармоя натижасида кўпгина қишлоқ мулкдорлари ҳўжалиklarининг техника базасини мустаҳкамладилар. Шунингдек, банк филиаллари томонидан жорий йил пахта ва галла ҳосилини етиштириш учун фермер ҳўжалиklarига ўз вақтида барча агротехник тадбирларни ўтказиш учун имтиёзли кредитлар ажратилди. Шу билан бирга, бошқа тармоқлар, жумладан, қорвачилик, паррандачилик, иссиқхона ҳўжалиги, асаларчилик ва боғдорчиликни ривожлантириш учун тижорат кредитлари ажратиб берилди. Умуман олганда, ҳар бир истиқболли соҳа, истиқболли лойиҳа эътибордан четда эмас.

«ОЛТИН ГЕПАРД»НИНГ ЯНГИ СОҲИБЛАРИ

(Боши 1-саҳифада)

Хориж мамлакатларида суратга олинган қатор янги бадиий фильмларнинг гала-намоиши, замонавий тэбк киноси панорама-си, франциялик таниқли режиссёр Жак Тати фильмлари ретроспективаси кинофорумга янада ранг-баранглик бахш этди. «Томоша-бин билан юзма-юз» мавзусида нодавлат студияларда суратга олинган фильмларнинг миллий фестивали замонавий кинематографияда хусусий ижодий жамоаларнинг ҳам алоҳида ўрни борлигини намоян этди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида таниқли киноижодкорлар иштирокида ўтган маҳорат сабоқларида кино-режиссёрлик, операторлик, монтаж жараёнларининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида талаба-ёшларга атрофлича маълумотлар берилди. «Замонавий кино: макон, замон, қалб» мавзусидаги халқаро илмий анжуманда миллий ва жаҳон кинематографиясининг тараққиёти, ривожланиш тамойиллари, ўзаро ҳамкорликдаги лойиҳаларнинг истиқболлари хусусида фикрлашилди. Бу галги кинофорумнинг ўзига хослиги — кино мутахассислари ва экспертлар иштирокидаги матбуот анжуманлари, брифинг ва жонли мулоқотларда соҳага оид долзарб масалалар муҳокама этилиб, фильмларда илгари сурилган гоаяр чуқур таҳлил қилинганида намоян бўлди.

— Кинофорумнинг қисқа метражли фильмлар талловида ҳамма сифатида иштирок этиб, фильмлар мавзусининг ранг-баранглиги, уларда миллий ва умумбашарий гоаяр илгари сурилганининг гувоҳи бўлдим, — дейди жанубий кореялик киношунос Хонг Сан У. — Бу эса инсон камоло-



тига, мустақил ва соғлом фикрли шахсни тарбиялашга хизмат қилади.

Кинофорумда хорватиялик режиссёр Велко Поповичнинг "Муҳаббат тарихи" фильми «Энг яхши анимацион фильм учун» номинацияси бўйича, эронлик режиссёр Сайфулла Самаднинг "Беш қисса ҳодиса" фильми «Энг яхши қисқа метражли фильм учун» номинациясида голиб бўлди. Актер Ованес Торосян режиссёр Константин Божановнинг "АВЕ" фильмидаги роли учун (Болгария) — «Энг яхши эркак роли», актриса Урсула Грабовска режиссёр Феликс Фалькнинг "Иоанна" бадиий фильмидаги роли учун (Польша) — «Энг яхши аёл роли» номинациясини қўлга киритди. Режиссёр Роланд Колла "Ёзги ўйинлар" фильми учун (Швейцария-Италия) — «Энг яхши режиссура-номинациясида, польшалик режиссёр Феликс Фалькнинг "Иоанна" картинаси — «Энг яхши тўлиқ метражли фильм учун» номинацияси бўйича голиб деб топилди.

Фолибларга дипломлар ва махсус статуэткалар топширилди.

ХАЛҚАРО ТЕАТР САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ ЯКУНЛАНДИ

Миллий санъат марказида "Theatre.UZ/2012" учинчи халқаро театр санъати фестивали якунланди. Унда театр соҳаси мутахассислари, хорижлик меҳмонлар, мухлислар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Театр — маърифат, маънавият ва тарбия маскани. Мамлакатимизда саҳна санъати ривожига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, театр-фидойиларнинг самарали ижод қилиши учун зарур шароитларни яратиш, улар меҳнатини эъзозлаш — давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг доимий эътиборида.

Бу жараёнда ёшларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол гоаярларига садоқат, асрий кадрларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, эзгуликка даъват этишга ундовчи бадиий етук асарлар, замонамиз қаҳрамонлари сиймосини яратиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ўзбекистон ёшлар театри ҳамкорлигида уч йилдан буён анъанавий тарзда ташкил этилаётган «Theatre.UZ» халқаро театр санъати фестивали мустақиллик йилларида миллий театр соҳасида эришилган ютуқларни атрофлича сарҳисоб этиш, улар билан халқаро жамоатчилигини қўнганда таништиришга хизмат қилмоқда.

Жорий йилги фестивалда Маркази Осиё давлатлари, Буюк Британия, Болгария, Германия, Исроил, Россия каби мамлакатларнинг театрлари билан бирга Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидаги жамоалар, театр-студиялар ўз спектаклларини томошабинлар эътиборига ҳавола этди.

Ҳар жиҳатдан пухта саҳна асарларини яратишда ижодкорларнинг ўзаро фикр алмашиши муҳим аҳамият касб этди. Мазкур театр байрами доирасида санъат йўналишидаги олий таълим даргоҳлари, Ўзбекистон ёшлар театрида атоқли режиссёрлар, саҳна расомлари, актёрлар иштирокида ўтказилган маҳорат сабоқлари, жонли мулоқот ва учрашувлар ана шу мақсадга хизмат қилди.

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида ташкил этилган кўргазмада саҳна безовчи расомлар ижоди, спектакль яратишга оид мураккаб жараён муҳлисларга таништирилди. Кўплаб маҳорат сабоқлари, кўргазмалар, театрлаштирилган томошалар тайёрланиб, уларда драматурглар, режиссёрлар, расом ва техниклар, актёрларнинг саҳна ортидаги меҳнати акс эттирилди. Фестиваль доирасида «Дебют» республика ёш режиссёрлар кўрик-фестивали қатнашчилари диплом ишларининг

премьераси бўлиб ўтгани улар фаолиятини атрофлича ўрганиш ва таҳлил этишда муҳим аҳамият касб этди.

— Ўзбекистонлик ихлосмандларнинг спектакль томоша қилиш маданияти, театрға муносабати, санъатни қўғат қадрлаши менда катта таассурот қолдирди, — дейди Болгариянинг Рачо Стоянов номидаги драматик театри директори ва режиссёри Невенна Митева. — Фестиваль жараёнида Ташкент шаҳридаги етакчи театрлар билан бирга юртингизнинг турли ҳудудларидаги ижодий жамоалар спектаклларини ҳам кўрдик. Бу жиҳатлар ўзбек театр санъати ҳақида кенг тасаввурга эга бўлиш имконини берди. Самарқанд, Ташкент каби шаҳарлардан олган ёрқин таассуротларим хотирамга умрбод муҳрланди.

"Theatre.UZ/2012" халқаро театр фестивалининг якуни санъат ҳафталигининг асосий тадбирларидан бири — Миллий либослар фестивали билан уйғун ўтказилганда ҳам рамзий маъно бор. Негаки, спектакль муваффақиятида саҳна либослари дизайнерлари, моҳир чевар ва модельерларнинг алоҳида ўрни бор.

Халқаро фестиваль якунида ижодий жамоалар махсус дипломлар билан тақдирланди. Назоқат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

саккиз ойи давомида 20 миллиард сўм банк кредитлари ажратилди.

— Бугунги кунда кичик бизнесни ривожлантиришга давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўлай шарт-шароит яратилиб, эътибор ва рағбат кўрсатилмоқда, — дейди "Boysul Teks" кичик қорхонаси раҳбари Неймат Абдуллаев. — Яқинда банкингнинг Бойсун филиалидан сочик ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида ускуналар сотиб олишга 125 миллион сўм кредит олдик. Бунинг ҳисобига 14 янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда қорхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, сифати яхшиланди.

Умуман олганда, "Агробанк" ОАТБ томонидан амалга оширилаётган ишлар ва ажратилаётган кредитлар юрт тарақиёти ва иқтисодийтни барқарор ривожлантиришга, провардида эса одамлар ҳаётининг фаровонлигини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Озод ОЧИЛОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Сургаб Вилояти

МОДЕРНИЗАЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ



Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида пахта саноатида амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, пахта навини яхшилаш, толаннинг сифат даражасини ошириш, қайта ишлашда юқори натижаларга эришилди. Айниқса, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимидаги корхоналарда олиб борилган модернизация ишлари ишлаб чиқариш суръатини ошириб, маҳсулот сифатини яхшилаш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш имконини берди. Буни "Сирдарёпахтасаноат" бирлашмаси тизимидаги пахта тозалаш корхоналарида олиб борилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.



«Сайхун» пахта тозалаш заводи бош муҳандиси Келдиёр Мавлонов янги тайланган пахтага кўздан кечирибди.

Жумладан, кейинги уч йилда "Бобёут", "Пахтаобод" пахта тозалаш заводларини реконструкция қилишга 11,1 миллиард сўм маблағ сарфланган бўлса, ўтган йили "Бахт" пахта тозалаш заводини модернизация қилишга 2,5 миллиард сўмлик маблағ йўналтирилди. Қисқа даврда бажарилган реконструкция ва модернизациялаш бирлашмада ишлаб чиқариш суръатларини кескин оширди. Масалан, 2008 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 116,7 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 201 миллиард сўмдан ошиб кетди. Кенг кўламдаги бу ишлар корхоналарда сарф-харажатларни камайтириш, шунингдек, тежамкорликка эришиш имконини ҳам берди. Биргина 2011 йилда 34 миллион 200 минг сўмлик болвосимилар тежаллиб, электр энергияси сарфи 17-20 фоизга иккисод қилинди.

чиқариш харажатларини белгиланган меъёрга қисқартди. 2008 йилда ташкил этиш борасида ҳам бир қатор ишлар бажарилди. 2008 йилда ташкил этилган "Гулистонпахтасаноаттранс" МЧЖ айни вақтда 84 та трактор ва 374 та тиркама билан таъминланди.

— Ички имкониятлардан самарали фойдаланиш эвазига кейинги уч йил ичида 559 та янги иш ўринлари яратилди, — дейди "Сирдарёпахтасаноат" бирлашмаси раиси Абдухалиқ Дарбишев.



Ишчилар Ўзодш Жумаев, Мақсуд Каримов ва Сайидилла Буруйбеков.

Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони доирасида 2009-2011 йилларда тола ишлаб

— 10 та пахта ниҳол қабул қилиш масканида бу йил реконструкция ва модернизациялаш ишлари амалга оширилиб, ҳар бир корхонада 125-200 тонна мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақлайдиган музлаткичлар қурилди. Бундан ташқари, фермер хўжалиқларида лизинг йўли билан 50 та трактор олишга кўмаклашди.

2011 йилда 250,3 минг тонна хомашё қабул қилиб, қайта ишланган бирлашма тизимидаги корхоналарда тола сифатини ошириш ва экспортбоғлигини таъминлаш борасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

— Бу йил Сайхунбод тумани фермерларидан 33,5 минг тонна пахта қабул қилиб олишни режалаштирганмиз, — дейди "Сайхун" пахта тозалаш корхонаси бош муҳандиси Келдиёр Мавлонов. — Айни пайтда завод қошидаги қабул масканига келтирилаётган янги ҳосилни қайта ишлашни

бошлаб юборди. Кунига 140-150 тонна хомашё қайта ишланиб, юқори сифатли тола олинаётди. Хозиргача корхонада қайта ишланган пахта 3500 тоннадан ошиб кетди.

Иш унумдорлигини ошириш баробарида корхонадаги ишчи-лабкорларнинг манфаатдорлиги ҳам ортмоқда. Корхонада ишчиларга, аҳолига кенг миқёсда сервис хизмати кўрсатадиган тизим ишлаб турибди. Корхона қошидаги чорвачилик фермасида 70 бош қорамол парвартиш қилинмоқда. Шунингдек, "Наврўз" қабул масканидаги паррандачилик фермасида 2,5 мингта товуқдан кунига 1000-1200 дона тухум олинмоқда.

Жорий йилда вилоят пахтакорлари етиштирган ҳосилни сифатли қайта ишлашда сирдарёлик саннатчилар шижоатларини оширмоқдалар.

Бозорбой БЕКМУРДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

БОЖХОНА НАЗОРАТИ

Республикада аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан бекам-қўст тўлдириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар муваффақиятли тарзда амалга оширилмоқда. Натижада 2012 йилнинг дастлабки ярмида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши 7,1 фоизни ташкил этди.

«УЗУМИНИ ЕНГУ...»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 6 декабрдаги "2012 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, помидор ва узум маҳсулотларини етиштириш, реализация қилиш ва ўз вақтида қайта ишлашни ташкил этиш учун кенг шарт-шароитларни яратишга хизмат қилмоқда.

Афсуски, амалдаги тартибларга бўйсунмасдан ҳалқимиз ризқига хиёнат қилаётган айрим "учар тадбиркор"лар юртимизда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини четга ноқонуний равишда олиб ўтиб, мўмай даромад орттиришга уринмоқдалар. Уларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатларига республикамиз божхоначилари томонидан ўз вақтида чек қўйилмоқда ва ноз-неъматлар элимиз дастурхонига қайтарилмоқда.

Жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари Фарғона туманининг чегарадош ҳудудидан фуқаро Ш.Ўрозова томонидан 640 кг.дан ортиқ узум ва анорнинг яширин равишда олиб чиқилишига чек қўйилди.

Ушбу туманининг қўшни давлатга туташ яна бир ҳудудидан эса 2 та қонунбузарлик ҳолатида фуқаролар У.Дехқонов ва О.Тилловдидеяларнинг қўнғир қилмишларига нукта қўйилди. Қаранг-ки, бу шахслар 1350 кг. узумни яширин равишда "экспорт" қилишни кўзлаган экан.

Фарғона туманидаги айланма йўлда ҳаракатланаётган "Дамас" автомашинаси ҳайдовчиси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари қўриб қолган, машина ва ундаги юкларни ташлаб, жуфтқани ростилаб қолди. Қолдирилган юклар эса ўрнатилган тартибда ва ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда, унда қўшни давлатга олиб чиқиш учун кўзланган 1,1 тоннадан ортиқ узум борлиги аниқ-

ланди. Наманган вилоятининг Чортоқ туманида ҳам шунга ўхшаш ҳолат қайд этилди. Қўшни давлатга туташ айланма йўлда ҳаракатланаётган "Форд-Транзит" юк машинаси ҳайдовчиси ҳам жавобгарликдан кўриқиб, "қўён" бўлишни афзал билди. Чунки у ҳам 720 кг. узумни ноқонуний равишда четга пуллашни режа қилган экан.

Қорақалпоғистон Республикаси божхоначилари томонидан "Довут-ота" чегара божхона пости орқали Россия федерациясига йўл олган фуқаро А.Мансуров бошқарувидаги "MAN" юк машинасида ҳамда фуқаро С.Шашин бошқарувидаги "ДАФ" автомашинасида ҳужжатларда кўрсатилганидан ортиқча жами 1,7 тонна узум олиб чиқиб кетилаётганлиги фош қилинди.

Шунингдек, қорақалпоғистонлик божхоначилар томонидан "Тошкент-Санкт-Петербург" йўналишидаги йўловчи поездининг вагон-ресторани божхона назоратидан ўтказилганда, унда ушбу вагоннинг чегарадош ҳудудидан фуқаро Ш.Ўрозова томонидан 640 кг.дан ортиқ узум ва анорнинг яширин равишда олиб чиқилишига чек қўйилди.

Хозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсақ, 2012 йилнинг ўтган 9 ойи давомида республикада етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ноқонуний равишда ташиб кетилишига қарши кураш йўналишида жами 1233 та ҳолат аниқлиниб, умумий қиймати 2,2 млрд. сўмлик салкам 1200 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди ва элимиз дастурхонига қайтарилди.

Хусен ТАҒРИЕВ,
Давлат божхона қўмитаси
Ахборот хизмати катта инспектори.

Наманган Вилояти

Поп туманидаги Абдумалик Йўлдошев раҳбарлик қилаётган "Асадбек-Чоркесар" фермер хўжалигида 200 бош қўй-эчки, 60 қўтида асалари оиласи парвартирилмоқда. Яқинда мазкур фермер хўжалиги тасарруфиди "Зарина" кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди.

ФЕРМЕРНИНГ ТРИКОТАЖ ФАБРИКАСИ

— Қишлоқларимиз туман марказидан анча олисда жойлашган, — дейди фермер Абдумалик Йўлдошев. — Шундай бўлишига қарамай қишлоқларимиз йилдан-йилга хар томонлама кенгайиб, обод масканлардан бирига айланиб бораётди. "Агробанк"нинг туман бўлимида 120 миллион сўм кредит олиб, Чоркесар қишлоғидаги эски бинони қайтадан тўла-тўқис таъмирлади. Айни пайтда хорижда ишлаб чиқарилган замонавий тўкув ва тикув дастохларини олиб келиб ўрнатди. Натижада 80 та янги иш ўрни яратишга эришилди.

Замонавий дастохларни ишлашни тезда ўзлаштириб олган Дилдора Абдурахмонова, Бумайрам Йўлдошева, Ойгул Омонова, Махлиё Суннатовна, Одина Турсунова каби қишлоқ ёшлари томонидан 24 хилдан ортиқ трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тадбиркор фермернинг таъкидлашича, келгусида бу ерда қўшимча бинолар бунёд этилиб, маҳсулот ҳажми ортишига, янги иш ўринлари яратишга катта аҳамият берилди.

Маммур МУСУЛМОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Навоий Вилояти

БАРАКАЛИ ҲОСИЛ — БАЛАНД ДАРОМАД

Кармана туманидаги Бобоёр Ражабов бошлиқ «Лочин» фермер хўжалиги аъзолари 50 гектар пахтазорнинг ҳар гектаридан биринчи теримдаёқ 30 центнердан ошириб ҳосил олишди.

— Ҳосилнинг ҳаммаси юқори навларга қабул қилинди, — дейди фермер. — Бу даромаднинг ошишидан далолат. Бу йил табиат пахтакорга қарашди. Давлатимиз томонидан ҳам барча шароитлар яратиб берилди. Чигитни қайта экидик. Сув ўтган йилларга нисбатан етарли бўлди. Минерал ўғит, ёнилғи даламиз бошигача етказиб берилди. Шу босис, барча агротехник тадбирлар ўз вақтида сифатли ўтказилди. Меҳнатимиз натижасини эса бугунги ҳосилда кўриб турибсиз. Насиб бўлса, ҳосилдорликни 45 центнердан ошираемиз.

Бобоёр Ражабов бошлиқ фермер хўжалик аъзолари 148 гектар ерда меҳнат қилишяпти. Асосан, пахта, ғалла етиштиришади. Боғдорчилиги ҳам бор. Техника борасида ҳеч қандай муаммо йўқ.

— «Доминатор-130» русумли ғалла ўриш комбайни, «МХ-140» ва «МТЗ-82» тракторларини банк кредити ҳисобга олдик, — дейди фермер. — Очига, ишимизнинг юришиб кетишида «Микрокредитбанк»нинг Кармана тумани филиали муҳим ўрин тутди. Ёнилғи мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, минерал ўғит ва бошқа керакли ускуналарни

ўз вақтида олишимизда банк бизга доимий равишда кўмак бериб келяпти. Жорий йилда банк томонидан ғалла ва пахта ҳосили учун имтиёзли кредитлар ажратилди. 2007 йилда ушбу молия муассасасининг молиявий мадади билан «Доминатор-130» русумли комбайн олдик. 2009 йилда эса қорамолларни кўпайтириш учун 14 миллион сўмлик тижорат кредити ажратилганди. Умуман олганда, ҳар бир ишимизда, истикболли лойиҳаларимизнинг рўёбга чиқишида банкнинг мададини ҳис эйтиб турибмиз.

Фермер жорий йилда 55,8 гектар ғалланинг ҳар гектаридан 70 центнердан ҳосил кўтарди. Қабул масканлари билан тўзилган шартнома удаланиб, 107 тонна дон омборда қолди.

Ҳа, «Лочин» ривожланишининг

ёрқин йўлига тушиб олди. Унинг бугунги кўрсаткичлари, даромадларини ташкил этилган дастлабки йиллардаги натижалар билан қиёсланса, ўртада катта фарқ борлиги аққол сезилди. Масалан, хўжалик ташкил этилган 1998 йилда пахтачиликда ҳосилдорлик 28 центнерни, ғаллачиликда эса 40 центнерни ташкил этарди. Фермернинг бирорта ҳам техникаси йўқ эди. Бугунга келиб эса пахтачиликда ҳосилдорлик 45 центнерга, ғаллачиликда эса 70 центнерга өтди. Техниканинг эса ҳамма туридан бор. 30 нафардан ортиқ киши доимий иш билан таъминланган.

— Буларнинг барчаси биз фермерларга кўрсатилган эътиборамизнинг самараси, — дейди фермер.

Абдурасул САТТОВОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Фарғона Вилояти

ЭЛ ИШИГА КАМАРБАСТА ТАДБИРКОРЛАР

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари самараси ўлароқ жаннатомонанд Ватанимизнинг ҳар гўшаси йил сайинмас, кун сайин чирой очиб бормоқда. Жумладан, тоғ бағрида жойлашган Сўх тумани ҳам.

Ўтган йилларда бу ерда улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари қизгин тус олиб, бир-бирдан кўркям бинолар қад ростлади. Йўллар раволашди. Эндиликда шаҳарлардан қолмайдиган қишлоқлар йўлларида "Исузу" русумли автобуслар аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келаётди. Кишилардаги ташаббускорлик, тадбиркорлик ҳислатлари эл хизматига камарбасталик билан уйғунлашиб бормоқда. Сўхнинг Сойбозор мавзесида тўрт томонга сукуланиб боқайтган, ҳар ёқни суратга олаётган бир сайёҳга дуч келдик.

— Сўх — Ўзбекистоннинг Швейцарияси, деганди атоқли адибларимиздан бири, — дедик унга.

— Швейцарияда ҳам йўқ бундай баҳохо жой, бундай манзаралар, — дейди меҳмон бизга. Сўнгра бегубор ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас оларкан сўрайди. — Ҳов, анави... амфитеатрми?

— Ҳа, амфитеатр.

Табиий зиналарга мослаб, дид билан ўрнатилган ўриндиқлар, ажойиб тарзда безатилган тоғ бағридаги очиқ, дилкашгина саҳн меҳмонни тўлқинлантиради.

— Гул-чечакларга бурканган тепаликка қаранг. Гузалликлар уйғунлашиб, бир-бирини тўлдирган кўринади. Табиат зебо, одамларнинг табиати ҳам зебо! — дейди у.

Ҳа, Истиклол шарофати билан



одамлар табиати — онгу шуури, дунёқараш ҳам ўзгарди. Ўзгаришлар бунёдкор халқнинг руҳини кўтарди. Фарғонанинг энг чекка тумани — баланд тоғлар ихотасидаги воҳа ҳам замонавийлашди, гуллади, чирой очди. Мухташам бинолар буй кўрсатиб, қишлоқ ҳуснига ҳусн қўшди. Ҳар биттаси — меъморий асар. Кўз қувнайди!

Асов Сўх дарёси устига янги кўприк қурилади. Замонавий. Лекин бу ердаги эски кўприкни ҳам эл узоқ вақт унутмайди. Оқддий қишлоқ кишининг химмат-саховатини!

Асов Сўх дарёси устига янги кўприк қурилади. Замонавий. Лекин бу ердаги эски кўприкни ҳам эл узоқ вақт унутмайди. Оқддий қишлоқ кишининг химмат-саховатини!

Бугунги кунда Анвар Иброҳимов, Сайфиддин Шодиев, Орифжон Мустафоев, Меҳтар Насриев, Масъуд Жумаев, Набижон Аҳмедов каби саховатпешалар Ровон — Қалъа йўлини кенгайтириш, Тарик — Богошум кўпригини қуриш, Бобоқалон, Чумоқча, Янгиарик, Чашма, Демурсад, Гулистон қишлоқларидаги турли ободончилик ишларига бош-қош бўлиб, Мухаммадасов отанинг хайрли ишини давом эттирмоқда. Қўли гул, қалби оташ, химмати баланд инсонларнинг сая-ҳаракати ила ҳадемай Сўх янада гўзал масканга айланишига шак-шубҳа йўқ. Сўх туманида бу борадаги ишларда Каримжон Ғойибназаров ва Ҳабибулло Ерматов каби тадбиркорлар алоҳида ўрнак кўрсатмоқда.

Ҳа, тақдири ва бахтини шу гўзал, обод ва овоз Ватанга боғлаб, унинг янада гуллаб-яшнашига ҳисса қўшай, из қолдирай деган одамга майдон — кенг, барча имкониятлар яратилган.

Мухаммад ШОДИЙ,
журналист.

Самарқанд Вилояти

Мамлакатимизда улкан ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани, бунинг натижасида, шаҳор ва қишлоқларимизнинг йил сайин кўркاملаниб, чирой очиб бораётгани, одамларнинг турмуш тарзи янада яхшиланаётгани қувончли ҳолдир. Ўз навбатида, бундай ижобий ўзгаришлар замонавий қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжни ҳам оширмоқда. Жойларга яратилаётган бугунги замон талаблари даражасидаги корхоналар эса айнан шундай жабҳалардаги эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилмоқда. Масалан, Каттақўрғон шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Каттақўрғонғишт — Шоҳжон» хусусий фирмаси қисқа вақтда йирик бунёдкорлик объектларининг энг яқин кўмакчиларидан бирига айланди.

БУНЁДКОРЛИК УЧУН СИФАТЛИ ҒИШТЛАР

Фаолиятини бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмаган ушбу корхона асосан сифатли ва бежирим пишиқ ғишт ишлаб чиқаради.

— Ишни янги технологиялар харид қилишдан бошладик, — дейди хусусий корхона раҳбари Насрулло Адизов. — Хитойдан 600 миллион сўмлик замонавий асбоб-ускуналар келтирилди. Ғишт заводида илгаридан ишлаб келган, тажрибали кадрлар қайтадан ишга жалб этилди. Натижада, бир йил ўтмасдан маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хозирда корхонада ойига бир миллион донадан зиёдроқ сифатли пишиқ ғишт тайёрланмоқда.

Асосийси, корхонадаги пеллар таъмирланиб ўрта босимдан, паст босимда ишлашга мослаштирилди. Бу эса ҳам электр, ҳам табиий газ сарфини бир неча баробарга камайтирди. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ҳам йилдан-йилга ошиб

бораётти. Ўтган йилда корхона қурилаётган намунавий лойиҳадаги уй-жойлар учун уч миллион донадан ортиқ сифатли ғишт етказиб берди. Жорий йилда ҳам замонавий лойиҳа асосида барпо этилаётган уйлар қурилиши учун уч ярим миллион донга ғишт етказиб бериш режалаштирилган.

Етмиш нафардан зиёдроқ киши меҳнат қилаётган корхона фақатгина ғишт ишлаб чиқариш билан чекланиб қолмаётти. Шунингдек, бу ерда саноатда ишлатиладиган бетонит кукунни тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

— Корхона жамоаси кунига 50 тонна бетонит кукунини ишлаб чиқармоқда, — дейди корхона раҳбари. — Машинасозлик, нефть, геология ва бурғилаш саноатида ишлатиладиган бетонит кукунини Навоий машинасозлик заводи, Навоий кон-металлургия комбинати каби йирик саноат корхоналари харид қилапти. Олина-

Ақбар ҚАРШЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ЎСМИРЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ОСИЁ ЧЕМПИОНИ СИФАТИДА БОРАДИ


(Боши 1-саҳифада)

Келинг, Тошкентда ўтган Осий чемпионати финал учрашувини эслайлик. Финалга Шимолий Корея ўсмирлари билан бизникилар чиқишди. Учрашув 0:2 ҳисобида меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди. Ушанда йигитларимизнинг мусобақа финалига чиққани, шунингдек, жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритганининг ўзидек ижобий натижа сифатида эътироф этилган. Шундай бўлса-да, кубок бизникиларга nasib этмагани ранжитди. Чунки ўйин натижаси адолатли бўлмаган. Йигитларимиз рақиб кучли бўлгани учун эмас, ҳақнинг ноҳолис ҳаракатлари сабаб мағлубиятга учрашган. "Афсус, қитъа миқёсидаги ғолиблик тарихда қоларди. Энди кейинги авлодларга nasib этармикин бундай имконият" дея хаёдан ўтказгандай ўшанда.

Аммо футболчиларимиз Эронда ўтган чемпионатда ғолиб бўлиб, барчамизни хурсанд қилишди. Шукрки, ўсмирларимизнинг бугунги авлоди ҳам "акалари" изидан кетишяпти.

Мазкур мусобақага тайёргарлик жараёнида ўсмирлар терма жамоасига барча шароитлар муҳайё этилди. Энг малакали мутахассислар жалб этилди. Мусобақа саралаш босқинидан жамоа айтарлик муаммоларсиз ўтиб олди ва Осий чемпионатида Хитой, Сурия, Ҳиндистон терма жамоалари билан бир гуруҳдан жой олди. Ҳиндистонликлар саралаш босқинида ҳам вакилларимиз билан бир гуруҳдан жой олган эди. Аммо гуруҳ баҳслари ўсмирларимиз учун осон кечди, деб айтиб бўлмайди. Аввалида, Ҳиндистон термаси 3:2 ҳисобида мағлуб этилди. Саралаш баҳсларида эса уларни вакилларимиз 9:0 ҳисобида енган эди. Хитойликларга қарши кечган кейинги учрашув 1:1 ҳисобидаги дуранг билан якунланди. Сўнгги учрашувда Сурия термасидан мағлуб бўлди, 1:0. Биттадан ғалаба, дуранг, мағлубият — тўрт очко. Бу гуруҳдан чиқишга камлик қиладигандай туюлган. Кейинги босқичга гуруҳдан биринчи ўрин билан Сурия иккинчи ўринда эса Хитой чиқиши кутилаётган. Бунинг учун хитойликларга сўнгги учрашувда ҳар қандай ҳисобдаги ғалаба кифоя қиларди. Аммо сўнгги учрашувда кучсиз деб ҳисобланган Ҳиндистон термаси Хитой термаси билан дурангга эришди. Натижада гуруҳда иккинчи ўрин бизга nasib этди.

Чорак финалда Осийнинг энг кучли жамоаларидан бири Жанубий Кореяга руборуб келдик. Ушбу баҳс ғолиби Осий чемпионати ярим финали шу билан бирга жаҳон чемпионати йўлланмасига эга бўларди. Шу ўринда ушбу ўйиндан аввал ва кейин жамоатчилик фикри қандай бўлганини тасаввур қилиш учун ўсмирлар тер-



ма жамоаси бош мураббийи Дилшод Нуралиевнинг Тошкентга қайтгандан сўнг оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсининг бир қисмини келтирёмиз: "Жанубий Кореяга қарши ўйинимиз олдида барча корейсларни ўйиннинг фаворити дейишаркан. Лекин биз ғалаба қозондик. Эронликларнинг нияти



ҳаммасидан ошиб тушди. Меэбонлар ўзларини финалда, деб ҳисоблашаркан экан. Улар финални "Озоди" стадионидан ўтказамиз, деб ният қилишаркан. Бироқ биз уларни ҳам мағлуб этишимиз уйдасидан чиқдик. Финалга чиққанмизда ҳам ҳамма японларни чемпионга чиқариб қўйган. Яна бизнинг омадимиз келди ва Осий чемпионати айланди".

Ҳа, Жанубий Корея термаси билан ўйин жуда қийин кечди. Учрашув мазмунли пенальтилар сериясида ҳал бўлди. Терма жамоа олдида қўйилган вазифа — жаҳон чемпионати йўллан-

маси қўлга киритилгач, жамоа шижоати ошди. Натижада ярим финалда мусобақа меэбонлари — эронликлар ҳам мағлуб этилди. Вакилларимизнинг энг киройли голи ҳам мазкур учрашувда киритилди. Биринчи бўлимдан кейин-ноқ вакилларимиз 1:3 ҳисобида олдинда чиқиб олишган эди. Иккинчи бўлимда меэбонлар ҳисобни биттага қисқартиришгагина муваффақ бўлишди.

2010 йил Тошкентда ўтган Осий чемпионати финал учрашувини эронлик ҳақам бошқаргани ёдимизда. Мазкур финални қатарлик Абдулрахмон Абдуодилона бошқарди.

Финал ўйини "Пас" ўйингоҳида ўтказилди. Учрашув вакилларимиз учун энг қийини бўлди. Тан олиш керак, финал ўйини аввалида японлар чакқонроқ ўйин намойиш этишди. Аммо терма жамоамизнинг ғалабага иштиёқи ва яна дарвозабонимиз маҳорати бизга муваффақият келтирди. Сарвар Каримов пенальтилар сериясида кетма-кет иккита зарбани қайтарди (яна бир япон футболчиси ноаниқ зарба берди).

2013 йил БААда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида ўсмирлар терма жамоамиз Осий чемпиони сифатида боришди. Шу сабаб, ҳам терма жамоамизга футбол жамоатчилиги томонидан алоҳида эътибор қаратилади. Бу катта масъулият. Мусобақада футболчиларимиз нафақат Ўзбекистон, балки қитъамиз шаънини ҳам ҳимоя қилишди. Вакилларимиз 2011 йил Мексикада ўтган жаҳон чемпионатида вазифани муносиб адо этишган эди. Бу сафар ҳам мазмунли ўйин кўрсатишлари, муваффақият қозонишларига ишонимиз.

Азиз НУРУЛЛАЕВ,
"Qishloq hayoti" муҳбири.

Тошкент Вилояти

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси ва экология қўшма бўлими, "Экосо" халқаро жамоат фонди ҳамда "Чинор" Экологик ноширлик компанияси ҳамкорлигида Олмалиқ шаҳрига навабдаги медиатур ташкил этилди.

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг "Жамоатчиликнинг атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш бора-сида боқабарлигини ошириш" лойиҳаси асосида ўтказилган ушбу медиатурга экология соҳаси олимлари, мутахассислар ва журналистлар иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофазасида ишларни дастури тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан "Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати" ОАЖда олиб бо-

рилаётган ишлар билан яқиндан танишилди. Корхона томонидан ўтган давр мобайнида атроф-муҳитни муҳофазасида қилиш мақсадида 15 та инвестицион лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, мис эриштириш заводида янги олтингургурт кислотаси цехи ва эриштириш печи экологик стандартлар асосида қурилиши йўлга қўйилди.

Иштирокчилар "Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати" ОАЖда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта иш-

лаш жараёнида чиқиндиларни қайтариш, аynикса, ишлаб чиқаришга чиқиндиси технологияларни жорий этиш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Тадбир доирасида атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланиш мавзусидаги энг яхши журналистик материаллар учун "Коплон — 2012" Республика курир-танлови эълон қилинди.

Миркарим МИРСОВУРОВ

Реклама ва эълонлар

Маҳсулот сертификатланган

LIZINGGA SOTILAMAN

+998(71) 148 8080

JV MAN Auto-Uzbekistan
г. Тошкент, ул. М. Улугбека, 30.
Тел.: (998-71) 148-80-80.
Факс: (998-71) 268-56-25.
e-mail: info@man-uz.com
www.man-uz.com

ВНИМАНИЮ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

УПРАВЛЕНИЕ ЮСТИЦИИ КАШКАДАРЬСКОЙ ОБЛАСТИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ НА:

Строительство "Бакт уйи" по проспекту Мустакиллик в г. Карши Кашкадарьской области.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 8 месяцев.

Стартовая стоимость заказчика составляет 2.017.552.796 сум без НДС, 2.421.063.356 сум с НДС.

Финансирование осуществляется за счет: Собственные средства Министерства Юстиции Республики Узбекистан.

Заказчик: Управление юстиции Кашкадарьской области.
Адрес: г. Карши ул. Узбекистон дом 55. Тел: 223-01-31, 223-01-76.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20 % от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалисты, необходимых для выполнения работ, обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при условии конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников, конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достигаются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов — **Кашкадарьский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсному торгам и ценообразованию в строительстве** по адресу — г. Карши Ханабадское шоссе дом 46а. Тел./факс: (8-375) 224-05-24, 224-09-06, 224-18-33.

Стоимость одного комплекта документов — 120000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.

Срок реализации конкурсной документации составляет 28 дней со дня публикации объявления.

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт. Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления, в здании заказчика по адресу — г. Карши ул. Узбекистон дом 55.

Утвержденный план квартиры по адресу: ул. Навоийская 13-2, выданный Чалвадором БТИ на имя Пушиковой Софии Сидоровны, считать недействительным.

Утвержденный гос. ордер 08-01/3674 на право собственности на квартиру, расположенной по адресу: ул. Навоийская 13-2, выданный 25.12.1992 г. на имя Пушиковой Софии Сидоровны, считать недействительным.

ЧП "MAKS BIO KORM" (ИНН 302211771), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства комитета Шайхантахуровского р-на (№ 006754-09 от 21.02.2012 г.), расположенное по адресу: ул. Навоийская 7, ликвидировано (Приказ директора № 3 от 25.09.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 129-01-28.

Товарищество с ограниченной ответственностью "ДУК" (ИНН 1001000000) ликвидировано (Приказ № 11.01.2012 г. от 07.01.2011 г., реестр № 004133-01) убитый дан Утган "SHAROS KO'ZGUSI" МРЖга (ИНН 301792154) тегишлик булаган Гувоҳнома ўрготганини сабабми Бизор қилдик.

Тошкент ш. Учкела т. ТСРЎИдан (05.08.2011 й. реестр № 004678-01) ривоятдан Утган "ABDUVOSID-OMAD" ХК (ИНН 300352718) ташкилий-ҳуқуқий шакли омилий қорғоғи қўрилганини маълум қилдик.

Тошкент ш. Учкела т. ТСРЎИдан (18.03.2007 й. реестр № 001470-01) ривоятдан Утган "IBRAT-MEBEL" ХК (ИНН 300352718) ташкилий-ҳуқуқий шакли омилий қорғоғи қўрилганини маълум қилдик.

ООО "KENG MAKON (LIZING) SAVDO" (ИНН 302193700), зарегистрированное в Яхсарайской ИРП (№ реестра 00465-11, 01.02.2012 г.), сообщает об изменении названия фирмы на ООО "LEATHER PRODUCTS". В случае возникновения вопросов обращаться по тел.: (+99890) 154-22-42.

"OLTIKOL" МРЖга Устав фонди 152 140 000 сумдан 113 000 000 сума қайтартирилганини маълум қилдик. Дилеволар учун тел.: 915-37-19.

Утвержденный гос. ордер № 09-01/6738 от 25.01.1994 г. права собственности на квартиру на имя Аллазарова Зулфия Рахимовна, считать недействительным.

Утвержденный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Яхсарайский р-н ул. Муслим, выданный БТИ Яхсарайского р-на на имя Ибрагимовна Багитбаева Ираклевна, считать недействительным.

Утвержденный гос. ордер № 09-02/4435 от 05.02.1993 г. права собственности на квартиру на имя Торакджанна Саидовна Сайфиidinovна, считать недействительным.

Сертификатланган

НАСОСЛАР

тайёрлайди ва таъмирлайди

- "А"
- "Д"
- "К"
- "НК"
- "ЭЦВ"
- "К"
- "СН"

Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Хусайн Бойқаро кўчаси, 13.
Тел: (998-71) 295-13-00; 295-06-35; 295-06-37; 295-19-08 Факс: (998-71) 295-51-08;
E-mail: office@svmash.uz; svmash@mail.ru, sales@svmash.uz, www.svmash.uz

МАКСУС ВА ОДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Зиловатор-погрузчик ЗП-Ф-П БУ Бульдозер
- Бульдозер погрузчик БЛ-780
- Зиловатор-погрузчик допной ЗП-Ф-Ц
- Асфальтёрэз
- Подъёмники БЛ-80
- "Беларусь" (МТЗ-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2)
- Зелёные части и тракторам "Беларусь"
- Шины различных моделей

маҳсулот сертификатланган
Т: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

<p>Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ</p>	<p>МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агротехнология тартибидида ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.</p>	<p>ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улугбек УЗОКОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Мува АНОРБЕК, Абдуваҳоб ТАМИКАЕВ, Махруда ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир), Ян Босари, Сунаёт САЙДАЛИЕВ, Омигулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шероод ҲУЛОМОВ, Муҳаммад АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).</p>	<p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.</p> <p>ISSN 2010-7023 7772010702007</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Иқтисодий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Мазнавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.</p> <p>ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Коракалпоғистон Республикаси — (+99890) 728-09-78; Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 247-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона — (+99890) 278-95-87; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.</p>	<p>Навбатчи муҳаррир: А.НУРУЛЛАЕВ</p> <p>Мусалхил: О.ОХИЛОВ</p> <p>Дизайнер: М.БОСОМУХАММЕДОВА</p>		
<p>Газета сеҳанба, пайшанба ва жума кунлари чиқди.</p>	<p>Буюртма Г-1014, ҳафти 2 босма табоқ.</p>	<p>Офсет усулида босилди, қозғоч бичими А-2.</p>	<p>Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 21.50 15556 нусxada босилди. Нашр индекси — 144</p>	<p>Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй</p>	<p>Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун бюртмачи жавобгар</p>	<p>Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.</p>	<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа ақшдорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буёқ Турон" кўчаси, 41-уй.</p>